## 21 СЕНТЯБРЬ — НАВБАТДАГИ ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

# ЁШЛАР — МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

ЁШЛАР тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилиш партиямизнинг ленинча анъанасидир. Партия ташкилотлари бу анъанага амал қилиб, авлодларнинг революцион бирлигини мустаҳкамлашга доимий эътибор берадилар, мамлакатимиз йигит ва қизларини совет халқининг коммунизм қуриш учун олиб бораётган қаҳрамонона кураши тажрибаси билан қуроллантирадилар.

Ёшлар бизнинг келажагимиздир. Улар янги жамият қурилишида катта кучдирлар. Ёшлар Коммунистик партия, Улуғ Октябрь ишини давом эттирадилар. В. И. Ленин ёш авлодни тарбиялашга жуда катта аҳамият бериб, улар олдида коммунистик жамиятни барпо қилиш вазифаси турганлигини таъкидлаган эди. Шунинг учун ҳам ёшларни тарбиялаш партия ва давлатимиз фаолиятида ҳамиша алоҳида ўрин тутган. Бунга партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) ва апрель (1984 йил) Пленумларида ҳам жуда катта эътибор берилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгашида сўзлаган нутқи партиянинг ёш авлод тўғрисидаги доимий ғамхўрлигининг янги далили бўлди.

Катта сиёсий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатларда Владимир Ильич Лениннинг комсомол III съездида сўзлаган нутқида баён этилган кўрсатма: ёшлар ўқиши, партия эса ёшларни коммунизмга ўқитиши кераклиги тўғрисидаги кўрсатма ҳозирги давр талаблари ҳисобга олинган ҳолда янада ривожлантирилди.

Йигит ва қизларнинг ижодкорона бунёдкорлик ишларига чуқур ишонч билан суғорилган бу ҳужжатлар ҳар бир ёшда юксак гражданлик фазилатлари, коммунистик дунёқарашни ва ахлоқий-сиёсий маданиятни, меҳнатсеварликни, уюшқоқлик ва интизомлиликни, буржуа идеологияси таъсирига қарши мустаҳкам иродани, коммунистик ахлоқ нормаларидан ҳар қандай оғишларга қарши муросасизликни тарбиялашнинг конкрет программасидир.

КПСС ёшларни коммунизмга буюк Лениннинг ҳаёти ва фаолияти мисолида, халқимизнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарида, Лениннинг коммунизм ёдлаб олинган формула ва қоидалардан амалий фаолият учун дастуриламал бўлган тақдирдагина янги жамият қуриш вазифаларини ҳал этиш мумкин, деган васияти руҳида ўқитмоқда. Ленин ёшларга ўз таълимотлари, тарбия ва ўқувларидаги ҳар бир қадамни ҳаёт билан, меҳнаткашларнинг социализм қуриш учун кураши билан боғлашни даъват этган эди.

КПСС ёш авлодни тарбиялаш масаласини энг муҳим партия, давлат ва умумхалқ иши, деб ҳисоблайди. У ёшлар билан барча давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, мактаблар шуғулланиши кераклигини кўрсатиб бермоқда.

Партиянинг ёшлар ҳаракатига раҳбарлик қилиши социалистик жамиятда авлодларнинг революцион давомийлигининг энг биринчи шарти ва энг муҳим кафолотидир. Бизнинг комсомол 60 йилдан буён Ленин номига садоқатини шараф билан оқламоқда. Бу йиллар давомида миллионлаб совет кишилари ВЛКСМ сафида ғоявий чиниқиш мактабини ўтадилар. Партия ёшлар коммунистик қурилишнинг бугунги ва эртанги вазифаларини амалга оширишга яхши тайёрланишлари учун куч-ғайратларини аямаяпти. Бу вазифалар пролетар революционерларининг биринчи авлодлари учун олисдаги мақсадлар бўлган эди, холос. «Биз мамлакат тақдири учун, социализм ва тинчлик тақдири учун тарихий масъулиятдан чўчимайдиган, унинг юки остида букилмайдиган ёшларни тайёрлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдамиз, — деган эди ўртоқ К. У. Черненко. — Кекса авлодларнинг тажрибасини ўзлаштирибгина қолмай, шу билан бирга уни ўз зафарлари билан бойита оладиган ёшларни тайёрлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдамиз».

Лениннинг «Ишчи ва деҳқонлар билан биргаликдаги меҳнатдагина ҳақиқий коммунист бўлиш мумкин» деган машҳур сўзлари ёшларнинг мўъжизакорона кучини — бунёдкорлик кучини намоён этди.

Ёш ленинчиларнинг турли авлодлари ўз кўламлари ва характерлари жиҳатидан турлича бўлган вазифаларни ҳал этдилар. Лекин уларнинг ҳар бири ўзларини ягона буюк меҳнат армиясининг қисми, деб ҳис этганлар.

Комсомолнинг энг яхши анъаналари ҳозирги ёшларимизнинг меҳнат зафарларида яшамоқда ва ривожланмоқда. Ҳозирги кунда ёшларимиз барча совет кишилари қатори партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Улар ўзларига хос ижодкорлик ва ташаббускорлик билан ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини ҳал этмоқдалар, иқтисод ва тежамкорлик ҳаракатида, Озиқ-овқат ва Энергетика программаларини бажаришда актив иштирок этмоқдалар.

Ана шу вазифаларни ҳал этишда пойтахт области комсомоллари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Область комсомол ташкилоти сафида ҳозир 670 мингдан кўпроқ йигит ва қизлар бор. Ёшлар дастгоҳлар олдида, комбайнларни бошқарганда, илмий лабораторияларда юксак уюшқоқлик ва интизом, ижодий изланиш намуналарини кўрсатаётганликлари, сидқидилдан, куч-ғайратларини аямай меҳнат қилаётганликлари, комсомол шон-шуҳрати йилномасига янги ажойиб саҳифалар битаётганлиги тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Областдаги 2800 тага яқин комсомол-ёшлар бригадалари «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билими ва ижоди — ўн биринчи беш йилликка» ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этмоқдалар. Бугунги кунда Тошкент областининг ёш вакиллари Новий Уренгойда, Атоммашда, Саян-Шушенск ГЭСи қурилишида зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар, Ноқоратупроқ зона ерларини ўзлаштирмоқдалар. Комсомол ташкилотлари областдаги ўн биринчи беш йилликнинг барча энг муҳим объектларини оталиққа олганлар. Студент қурилиш отрядлари ёшларни меҳнатда чиниқтириш мактабига айланди. Бу йил студентларимиз Иваново ва Владимир областларида, Олтой ўлкаси ва Тюменда зарбдорларча меҳнат қилдилар, Газли ва Наманган областида зилзила оқибатларини тугатишда иштирок этишди. Тошкент области студент қурилиш отрядларининг коллективлари бу йил 13 миллион сўмликка яқин маблағни ўзлаштирдилар. Бу мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини бажаришга қўшилган салмоқли ҳиссадир.

Ёшлар ишлаб чиқаришда зарбдорлик намуналарини кўрсатишни жамоат ишларидаги иштироклари билан қўшиб олиб борадилар. Область, шаҳар, район ва қишлоқ Советлари депутатларининг тахминан учдан бири ёшлардир.

Комсомолимизнинг кучи партия раҳбарлигидадир. Партия ташкилотлари бу раҳбарликни комсомолнинг майда-чуйда ишларига аралашмасдан, унинг жамоат ташкилоти сифатидаги характерини ҳар тарафлама ривожлантирган ҳолда амалга оширишлари лозим. Бу раҳбарлик биринчи навбатда ёшларни коммунистик ғоявийлик, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш, ҳар бир йигит-қиз янги жамиятнинг актив қурувчиси бўлишига эришишга қаратилгандир.

## СИЁСИЙ ДОКЛАДЧИЛАРГА ЁРДАМ

Партия, совет хўжалик раҳбарларининг, революция, уруш ва меҳнат ветеранларининг ёшлар билан жонли, қизиқарли мулоқоти уларга таъсир кўрсатишнинг самарали формасидир. Бу раҳбарлар ва ветеранлар ёшлар қандай яшаётганликлари, уларни қандай муаммолар ҳаяжонлантираётганлиги билан мунтазам қизиқиб туришлари, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганишлари, комсомол йиғилишларида тез-тез бўлиб туришлари, комсомол активлари ва ёшлар олдида сўзга чиқиб туришлари лозим. Ёшлар ўртасида рўй бераётган социал, идеологик жараёнларни системали равишда чуқур ўрганиш, бу жараёнларни таҳлил этиш, комсомол ташкилотларига бош бўғинни, асосий йўналишни ва ишнинг таъсирчан формаларини танлашда ёрдам кўрсатиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида комсомол ишининг форма ва методларини яхшилаш масаласи биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Бунда энг аввало нимага эътибор бериш керак? Комсомол ташкилотлари ҳали кўп ҳолларда янги вазифаларни бир қолипли услуб ва воситалар билан ҳал этишда уринадилар. Бу ёшлар ўртасида рўй бераётган жараёнларга ўз вақтида таъсир кўрсатишга, уларга зарур йўналиш беришга халақит беради. Ҳамма жойда ҳам комсомол иши йигит ва қизларнинг ҳаётий режалари ҳисобга олинган ҳолда қурилмайди. Йигит ва қизларнинг ёш хусусиятлари, таълим савиялари, у ёки бу касб-ҳунарга қизиқишлари ҳамиша ҳам инобатга олинмайди.

Ижодий изланиш, новаторлик, реал ҳаётдан келиб чиқадиган дадил тажрибалар — комсомол комитетлари фаолиятини ана шулар характерлаши зарур. Бу ерда гап бир томондан ВЛКСМ сафларида уюшқоқлик, тартиб, интизомни кучайтириш, иккинчи томондан ёшларнинг ташаббускорлиги ва активлигини ривожлантириш тўғрисида кетмоқда. Энг муҳими кўпгина комсомол комитетлари фаолиятидаги расмиятчилик, ҳаддан ташқари ташкилотчилик, дабдабабозликка барҳам беришдир. Ҳали ҳам турли тадбирларга қизиқиб кетиш, ҳар хил ҳаракат ва кампанияларга интилиш ҳоллари учраб турибди. Амалда эса буларнинг кўпчилиги «қоғозларнинг ҳаракати» бўлиб чиқмоқда. Даставвал сизни қойил қолдирадиган рақамлар эса ҳақиқатда анча камтарона эканлиги маълум бўляпти.

Комсомол ходимларининг ёшлар оммаси билан алоқасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини барча меҳнат коллективларида жонли, ижодий муҳитни қарор топтиришга бўйсундириш муҳимдир. Ёшларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий активликларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бугунги кундаги энг муҳим вазифадир. Комсомол ташкилотлари шу йилги ва умуман беш йиллик планлари ҳамда социалистик мажбуриятларни бажариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ёшларнинг социалистик мусобақасини кенг авж олдиришга даъват этилгандирлар.

Ҳар бир меҳнат коллективида йигит ва қизларни ғоявий чиниқтириш, юксак касб маҳорати, меҳнатга онгли муносабатда бўлиш, интизомлилик ва сидқидилдан меҳнат қилиш, илғор иш услубларини эгаллашга интилиш каби ишчиларга хос хислатларни шакллантиришда комсомол комитетларининг ролини ошириш керак.

Яқинда республикамиз меҳнат коллективлари сафига яна ёшлар келиб қўшилди. Заводлар, фабрикалар ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда ҳунар-техника билим юртларининг ўн минглаб битирувчилари, ўрта мактабни тугаллаганлар меҳнат фаолиятларини бошладилар. Шунинг учун ёш ишчилар меҳнат фаолиятларининг дастлабки кунларидаёқ меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган, моҳир, меҳрибон ва талабчан мураббийлар улар билан бирга бўлиши зарурдир.

Мураббийчилик хайрли, фахрли, айни пайтда масъулиятли вазифадир. Кўпгина мураббийлар ўз вазифаларини ёш авлодга билим ва тажрибаларини беришдагина эмас, шунингдек, уларни тарбиялашда, келажак учун актив курашчилар қилиб етиштиришда, деб биладилар. Бугунги кунда областимизда 40 мингга яқин мураббий бор.

Лекин айрим ҳолларда мураббийчилик ҳаракатига расмиятчилик билан муносабатда бўлинмоқда. Қатор корхоналарда бу иш тарбиячи истеъдодига эга бўлмаган кишиларга ишониб топшириб қўйиляпти. Ҳар бир коллективда мураббий номзодини танлашга жиддий аҳамият бериш, уларнинг фақатгина касб маҳоратларинигина эмас, шунингдек, шахсий ахлоқий хислатларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Ёшлар ўртасида идеологик ишни янада яхшилаш, ёшларнинг сиёсий маданиятини, коммунистик онглилигини ошириш масалалари доимо партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари диққат марказида туриши керак. Бу ишда комсомол сиёсий маорифи системаси муҳим ўрин тутади. КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарори талабларини, ўртоқ К. У. Черненконинг комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгашида сўзлаган нутқида баён этилган кўрсатма ва тавсияларини амалга оширилишини таъминлаш бу системанинг вазифасидир. Оммавий-сиёсий ва иқтисодий таълим ўқув шахобчаларида таълим олаётган комсомоллар сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий-тарбиявий ишлар ёшлар ўртасида текинхўрликнинг, ҳаётга истеъмолчилик билан муносабатда бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қаратилган бўлиши керак. Баъзи ёшларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатда актив иштирок этишдан ўзларини четга олаётганликлари, текинхўрлиги, бугунги кунда жамият талаб этаётган жойларда ишлашни истамаётганлиги ҳеч ким учун сир эмас. Ёшларнинг бир қисми билимлари ва меҳнатсеварлиги билан эмас, балки ота-оналарининг пулига сотиб олинган қимматбаҳо буюмлар билан тенгдошлари ўртасида ўзини кўрсатишга интилаётганликлари ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Баъзи ёшларнинг сиёсий гўллиги, бефарқлиги, интизомсизлиги каби ҳолларга ҳам дуч келинмоқда. Партия ва комсомол ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг куч-ғайратлари йигит ва қизларни социалистик тузумнинг афзалликларини ва ютуқларини, совет турмуш тарзининг аҳамиятини тушунадиган қилиб тарбиялаш вазифаларига бўйсундириши керак. Ёшларнинг ўзи моддий қимматларни кўпайтириш, мамлакат экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга қанчалик кўп ҳисса қўшсалар жамият уларга шунчалик кўп имтиёзлар бериши мумкинлиги тўғрисида рўй-рост гапириш керак. Мавжуд комсомол-ёшлар бригадалари, звено ва сменаларини мустаҳкамлаш, уларнинг янгиларини тузиш учун СССРнинг меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонунидан кенг фойдаланиш, бу ёшлар коллективларининг давлат планлари ва мажбуриятларини бажариш учун масъулиятларини ошириш лозим. Кундалик амалий ишлар билан комсомолнинг халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқлари ва зарбдор қурилишларга оталиғини янада мустаҳкамлаш, интизомсизлик, ўзибўларчилик, хўжасизлик ҳолларига муроса қилишга чек қўйиш зарур.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳам ходимларнинг касб маҳорати савияси, илғор иш усулларини жорий этишга, ҳам меҳнат қилиш ва дам олиш учун яратилган шароит, интизомнинг аҳволи, коллективдаги маънавий-психологик вазиятга боғлиқлигини ёдда тутиш керак. Областимизнинг барча корхоналарида ана шундай шароитлар яратилган, деб бўладими? Ёшлар ётоқхоналари мавжудми, уларда олиб борилаётган иш савияси қандай? Йигит ва қизлар ишдан бўш вақтларини қандай ўтказмоқдалар? Клублар, спорт иншоотлари, билимни ошириш учун имкониятлар борми? Бугунги кунда ёшлар учун иш жойини танлашда иш ҳақи миқдоридан кўра кўпроқ ана шу объектларнинг бор-йўқлиги муҳим роль ўйнайди. Бу масалаларни ҳал қилиб, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш, интизомни мустаҳкамлаш муаммосини ҳам ҳал қилиш мумкин.

Бугунги кунда областимизда ёшларнинг фақат 18 проценти бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига жалб этилган. Йигит ва қизларнинг учдан биригина мунтазам равишда спорт билан шуғулланишади. ГТО комплексини топширишда ҳам оммавийликка эришилмаган. Шунинг учун ҳам ҳарбий хизматга чақирилган ҳар олти йигитдан биттаси ГТО нормаларини бажармоқда.

Комсомол, спорт ташкилотларининг куч-ғайрати билан кейинги йилларда кўпгина оддий спорт иншоотлари қурилди. Афсуски, уларнинг кўпчилиги ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу жойларда деярли ҳеч қандай спорт ишлари олиб борилмайди. Ваҳоланки, вазифа фақатгина бу спорт иншоотларини қуришдан иборатгина бўлмай, улардан оқилона фойдалана билишдадир ҳам.

80-йилларнинг йигит ва қизлари совет кишиларининг ривожланган социализм шароитида онгли ҳаётга қадам қўйган биринчи авлодидир. Улар жаҳон тарихида социал тараққиётда энг олий даражага эришган жамиятда туғилдилар ва вояга етдилар. Ҳозирги ёшлар кекса авлодлар қисматига тушган синфий курашлар ва урушларнинг оғир синовларидан ўтмаганлар. Шунинг учун ҳам йигит ва қизларнинг ғоявий-ахлоқий ва синфий жиҳатдан чиниқтириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш зарур. Уларнинг ҳар бирида юксак маънавий-сиёсий маданиятни шакллантириш, идеологик қўпорувчиликка, буржуа пропагандасининг таъсирига қарши туриш иродасини тарбиялаш лозим. Идеологик кадрлар, комсомол активи ёшлар билан энг ўткир муаммолар юзасидан очиқ суҳбатлашиш, ҳар бир йигит-қизда ҳаётга актив гражданлик муносабатида бўлиш хислатларини шакллантириш, уларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялашга кўмаклашадиган муҳитни қатъият билан вужудга келтиришлари зарур. Бу вазифаларни ҳал этишда фашизм устидан қозонилган буюк ғалабанинг 40 йиллигига ҳамда ёшлар ва студентларнинг XII Бутунжаҳон фестивалига тайёргарлик кўриш муҳим роль ўйнаши лозим.

Ёшлар ўртасида диний идеологиянинг тарқалишига йўл қўймаслик, уларда материалистик дунёқарашни шакллантириш, янги совет маросимларини кенг жорий этиш партия ва комсомол ташкилотларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни йўлга қўйиш масалалари жиддий эътиборни талаб қилади. Ёшлар доирасига ғарб музикасининг бизга зид намуналари кириб бораётганлигига, баъзи жойларда ўзларининг ғоявий-эстетик савияси бўйича шубҳа туғдирадиган дискотекалар, вокал-чолғу ансамбллари, «қизиқиш бўйича» уюшмалар пайдо бўлганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Жамиятимизга зид бўлган идеология ва ахлоқнинг ҳар қандай кўринишларига қарши ҳужумкорлик билан актив кураш олиб бориш зарур.

Қонунбузарлик билан ҳам янада қатъийроқ курашиш керак. Ҳали ҳам ёшлар ўртасида прогулчилик, ичкиликбозлик, ва жиноий жавобгарликка тортиладиган бошқа жиддийроқ қонунбузарлик ҳоллари учрамоқда. Бу салбий ҳодисалар билан курашга бутун жамоатчиликни сафарбар этиш даркор.

Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Унинг моҳияти ва мазмунини асосий мезон — ҳар тарафлама ривожланган шахсни камол топтириш вазифаси белгилайди.

Ислоҳотни амалга ошириш мактабда коммунистик тарбияни, буни кенгроқ кўламда олганда энг аввало меҳнат тарбиясини йўлга қўйишни такомиллаштириш демакдир. Бу ислоҳотнинг ўзагидир. Касб-ҳунарга йўналтириш ва ўқитиш меҳнат таълими ва тарбияси билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги пайтда умумий ҳунар таълими ёшларнинг умумий ўрта таълими билан мустаҳкам боғланмоқда.

Меҳнат таълими, тарбияси ва касбга йўналтириш вазифаларини ҳал этишга фақат мактабнинг ўзининг қурби етмайди. Бу масалани фақатгина мактаб устахоналари, мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари базасининг ўзидагина ҳал қилиб бўлмайди. Бу ишда барча ишлаб чиқариш коллективлари актив иштирок этишлари керак.

Тошкент областида ўқувчиларнинг меҳнат таълими ва уларни касбга йўналтириш, халқ хўжалигида ишлашга тайёрлаш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари, бешинчи меҳнат чорагини ташкил этиш ва бошқалар шу вазифаларни ҳал этишга кўмаклашмоқда. Лекин меҳнат таълимининг самарадорлиги ҳали жуда ҳам пастдир. Ўрта мактабларни тугаллаганларнинг жуда озгина қисмигина мактабда ўрганган ҳунари бўйича ишга жойлашмоқда.

Келажакда ҳар бир юқори синф ўқувчиси муайян касбни эгаллаш учун имтиҳон топшириши керак бўлади. Ижтимоий фойдали меҳнат мактаб жадвалида мажбурий дарсга айланади. Бу ишни жадаллаштириш ва яхшилаш учун қишлоқдаги ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларида, саноат, транспорт, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ўқувчиларнинг меҳнат уюшмаларида тўпланган меҳнат тарбияси бўйича тажрибадан кенгроқ фойдаланиш зарур. Корхоналарнинг раҳбарлари қисқа вақт ичида зарур миқдорда ишчи ўринлари, мутахассислар, мураббийлар, шунингдек, хомашё ва материаллар ажратиб беришлари, ўқувчилар меҳнатини яхши ташкил этишни йўлга қўйишлари керак.

Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, ўқувчилар меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш ҳаётига тезда қўшилиб кетсинлар, социалистик мулк, давлат плани, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми, иш ҳақи, тежамкорлик тўғрисида тасаввур ҳосил қилсинлар. Ёшликдан бошлаб таннарх, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, хўжалик ҳисоби, рентабеллик каби тушунчалар билан танишиб бориш жуда муҳимдир. Буларнинг ҳаммаси бўлажак меҳнат фаолияти учун тайёргарлик базаси бўлади.

Малакали кадрларни планли равишда тайёрлашнинг асосий формаси бўлган ҳунар-техника таълими системаси олдига улкан вазифалар қўйилган. Инженер-педагогик ва меҳнат коллективларининг куч-ғайратлари ўқувчиларга чуқур ва мустаҳкам билим бериш, уларда замонавий иқтисодий фикр юритишни шакллантириш, ёшларни юксак касб маҳорати, меҳнатга ижодий муносабатда бўлишга ўргатишга қаратилиши зарур. Ҳар бир бўлажак ёш ишчи коммунизмнинг актив қурувчиси, ишчилар синфига хос революцион идеология, ахлоқ, қизиқишларга, коллективчилик психологиясига эга бўлган ўз мамлакатининг хўжайини сифатида тарбияланиши лозим.

Мактаб ислоҳоти биринчи қадамларини қўймоқда. Ҳозир келажак мактаби барпо этиляпти. Бу мактабни барпо этиш ҳар бир коллективнинг муқаддас ишидир.

1 сентябрда мамлакатимизда илк бор умумхалқ байрами — Билимлар байрами нишонланди. У чинакамига қилинган ишларга якун чиқариладиган резервлар, фойдаланилмаган имкониятлар аниқланадиган байрам бўлди. Билим иштиёқмандлари сафини тағин ҳам кенгайтириш бу байрамнинг хайрли мақсадидир.

Бу кун биз ўз педагогларимиз, профессорларимиз, мураббийларимиз, мастерларимиз, лекторларимизни ва бир-биримизни табрикладик. Олдимизда фан уфқларини очаётган, касб маҳоратлари билан баҳамлашаётган, бизда марксча-ленинча эътиқодни шакллантираётган, мустақил равишда ижодий фикр юритиш, гўзаллик, санъат асарлари, табиат бойликларини ҳис этишга ўргатаётган ҳамма устозларимизни табрикладик. Уларни қутлар эканмиз, биз Улуғ Октябрь доҳийси, партия ва давлатимизнинг асосчиси В. И. Лениннинг «Агар мен кам билишимни билсам, кўпроқ билишга эришаман», деган машҳур сўзлари бутун умримиз учун шиор бўлиб қолишини тиладик.

Ғоявий эътиқод эстафетаси қалблардан қалбларга, авлодлардан авлодларга узатилади. Ёш авлод ғоявий ва ахлоқий чиниққан, меҳнатсевар бўлиб ўсиши учун ҳамма нарсани қилиш партия, комсомол ташкилотлари, ҳар бир коллективнинг бурчидир. Бу совет кишилари ўй-фикрлари, зафарлари узлуксиз давомийлигининг энг муҳим шартидир.

# ЧЕТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

## ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ СИЁСАТИ УЧУН

ПРАГА. (ТАСС). Нацистлар агрессиясининг дастлабки қурбонларидан бири бўлган чехословак халқи реваншизмнинг барча кўринишларига, Европада урушдан кейинги чегараларни шубҳа остига қўйиш йўлидаги уринишларга қатъиян қарши чиқади. ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак бу ерда қаршилик кўрсатиш курашчилари халқаро федерацияси (ФИР) делегацияси билан учрашувда шу гапларни айтди.

Агрессия суверен давлатларнинг ички ишларига аралашув сиёсатини ўтказаётган империализмнинг ашаддий реакцион кучлари айби билан халқаро вазият жиддий равишда кескинлашди, деб таъкидлади Чехословакия раҳбари. Бундай шароитда халқаро кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини чеклаш, ядро хавфининг олдини олиш, тинч-тотув яшаш ва конструктив ҳамкорлик сиёсатига қайтиш учун курашни кучайтириш ҳозирги замоннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси бўлиб қолмоқда. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг конкрет тинчлик ташаббуслари айни шу мақсадга қаратилган.

Инсоният фашизм устидан ғалаба қозониш йўлида бой берилган мислсиз қурбонларни ҳеч қачон унутмаслиги, иккинчи жаҳон урушида халқлар тортган азоб-уқубатлар учун империализм айбдор эканлигини доимо эсда тутиши муҳимдир, деди Г. Гусак. ЧССР меҳнаткашлари миллий озодлик кураши тугаганлигининг ва Чехословакия Совет Армияси томонидан озод қилинганлигининг 40 йиллигини ана шу руҳда нишонламоқда.

Қаршилик кўрсатиш курашчилари жаҳон федерациясининг президенти А. Банфи фашизм ва неофашизмга қарши, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун изчил кураш олиб боришни федерация ўзининг энг муҳим вазифаси деб билади, деди.

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● БЕРЛИН. Берлинда социалистик мамлакатлар олий таълим министрларининг конференцияси очилди.

Улар халқаро вазият кескинлашган ҳамда социал ва илмий-техникавий тараққиёт талаблари ўсган шароитда социалистик олий мактабнинг вазифаларини муҳокама қилдилар. Ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига муҳим эътибор берилди.

● МАДРИД. Испаниядаги энг катта касаба союз бирлашмаси — меҳнаткашлар умумий иттифоқи бош секретари Николас Редондо Испания НАТОдан чиқиши керак, деб айтди.

У миллий радиога берган баёнотида социалистлар ҳукумати ўзининг сайловолди ваъдасини бажариши ва Испаниянинг ана шу агрессив гуруҳга муносабати тўғрисидаги масала юзасидан референдум ўтказиши зарур, деди.

Н. Редондо меҳнаткашлар умумий иттифоқи сўл кучларнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб, яқин вақт ичида жамоатчиликни мамлакатнинг Шимолий Атлантика блокидан чиқиши учун курашга сафарбар этиш юзасидан актив кампания ўтказади, деди.

● БРАЗИЛИА. Бразилия миллий конгресси депутатлар палатасидаги Бразилия демократик ҳаракати партияси фракциясининг раҳбари Фрейтас Нобри шундай деди: Чилида Пиночет диктатураси ҳукмронлик қила бошлагандан бери ўтган ўн бир йил мобайнида жабр-зулм, демократик эркинликларни шафқатсизлик билан бостириб, ватанпарварлардан оммавий ўч олиш давом этмоқда. У парламентда сўзга чиқиб, Чили жаллоди охранкаси ўтган йилнинг май ойидан бери 120 дан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди, деди. Пиночет режими қурол ёрдамидагина ҳокимият тепасида турибди, деб уқтирди Бразилия парламентининг аъзоси.

● КАРАКАС. Пиночет бошлиқ фашистлар тўдасининг ҳеч қандай ваҳшийликлари Чили халқининг озодликка бўлган революцион интилишини тўхтатишга қодир эмас, дейилади Чили халқи билан бирдамлик Венесуэла комитетининг бу ерда тарқатилган баёнотида. Чилиликларнинг истибдод режимига қарши бу йилги оммавий норозилик кампанияси, деб уқтирилади ҳужжатда, мамлакатда демократия ва инсон ҳуқуқлари тикланиши учун курашда сиёсий кучлар, касаба союзлар ва кенг жамоатчилик жипслашганлигидан далолат беради.

● НАЙРОБИ. Ҳеч бир гуноҳсиз кишилар ўлдирилганлиги тўғрисида ирқчи Жанубий Африка республикасидан олинган хабарлар Кения ҳукумати ва халқини ғоят ғазаблантирди. Кения Претория ирқчи режимининг ўнлаб кишилар халок бўлишига сабаб бўлган шундай хатти-ҳаракатларини қатъиян қоралайди, дейилади ҳукуматнинг Кения радиоси орқали эшитирилган баёнотида.

Претория ирқчи режими ЖАРдаги африкалик аҳолига нисбатан ўтказаётган бундай сиёсати учун жаҳон жамоатчилиги олдида бутун масъулиятни ўз зиммасига олиши керак. Бундай аҳвол сақланиб қолар экан, Жанубий Африка республикасидаги африкаликлар ўз мамлакатида қонуний ҳуқуқларга эга бўлмас экан, Кения африкалик мазлум кўпчиликнинг курашига ҳар томонлама мадад бериб, уни қўллаб-қувватлайверади, дейилади баёнотда.

(ТАСС).



● ЧССР. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлик тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Чехословакиянинг Челаковицедаги «ТОС» станоксозлик заводида ГДРнинг Карл Маркс-Штадт шаҳридаги «Модуль» заводи инженерлари билан ҳамкорликда янги поток линияси ишга туширилди. Бу меҳнат унумдорлигини икки баравар ошириш имконини беради. Суратда: линиядаги машина-механизмларни созлаш пайти.

ЧТК—ТАСС фотоси.

## «РЕЙГАН УСТИДАН СУД»

КИТО. Президент Рейган ва у бошчилигидаги маъмурият Лотин Америкаси халқларининг душманидир. Айни улар Лотин Америкаси халқларига қарши қуролли агрессия чиқариб, қўғирчоқ диктаторларни инсон ҳуқуқларини мунтазам бузишга ундамоқда. Лотин Америкаси империализмга қарши трибуналининг бу ерда босмадан чиққан ҳужжатлар тўпламида ана шу ҳақда гапирилади. Тўплам «Рейган устидан суд» номи билан босмадан чиқди.

Ҳужжатларда Рейган маъмурияти Лотин Америкаси халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилашга, мустақилликка, миллий суверенитет ва территориал бутунликка бўлган ҳуқуқларини мунтазам бузиб келмоқда. Вашингтоннинг Гренадани босиб олиш тўғрисида буйруқ берганлиги, у Никарагуага қарши эълон қилинмаган уруш бошлаганлиги, Гондурас Пентагоннинг плацдармига айлантирилганлиги, Чили, Сальвадор, Гватемала ва Гаитида диктаторлик режимлари қўллаб-қувватланаётганлиги, қитъа мамлакатларини иқтисодий жиҳатдан эксплуатация қилиш кучайтирилаётганлиги бунинг далилидир.

(ТАСС).

